БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 152 (16.842). | 2 июль 1977 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТ

1 июль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республика халқ хўжалигининг ўз меҳнати билан ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқлари ва юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашган ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медаллари топшириш маросими бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин топширди. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ХИРМОНИ БАРАКАЛИ БЎЛСИН!

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ҒОЯВИЙЛИГИ

Мамлакатимиз меҳнаткашлари ижтимоий онгининг юксак даражаси, уларнинг жуда бой коллектив тажрибаси ва сиёсий ақл-идроки СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ томонидан муҳокама қилинаётган шу кунларда жуда равшан намоён бўлмоқда. Замонамиз ғоят буюк ҳужжатининг сермазмун сатрларида ҳам, жонли воқелигимизда ҳам, коммунистик қурилишнинг кундалик ишларида ҳам қурашчи ва бунёдкор, ривожланган социалистик жамият гражданининг бутун улуғворлиги ва маънавий қиёфасининг гўзаллиги жаҳонга намойиш қилинмоқда.

Ленин партияси тарбиялаб етиштирган янги совет кишиси — бизнинг тарихий ғалабамиз, Улуғ Октябрь байроғи остида олтмиш йил мобайнида босиб ўтилган йўлнинг энг муҳим якунидир. Совет кишиси — коммунистик эътиқодни ва битмас-туганмас ҳаётий ғайратни, юксак маданият, билимни ва уни амалда қўллана билиш маҳоратини ўзида уйғунлаштирган кишидир.

Коммунизм ғояларига чексиз садоқат ва шу ғояларнинг тантанасига комил ишонч совет кишилари ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфаси ҳамда характерининг асосий хусусиятидир. Социалистик Ватан истиқболи шу ғоялар билан чамбарчас боғлангандир. Мана шу чўқур ишонч Совет Иттифоқи давлат гимнининг қўйидаги сатрларида яққол ифода этилган:

«Улмас коммунизм порлоқ ғоялари
Юртнинг келажагин ёритар аён».

Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг ғоявийлиги, сиёсий онглилиги социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг ҳамма йўналишларида огишмай олға боришнинг энг муҳим омили бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мана шунинг учун ҳам бизнинг партиямиз оммани ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш проблемаларига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. КПСС XXV съезди ўтгандан кейинги даврда мобайнида шу масалалар юзасидан Марказий Комитетнинг бир қанча муҳим қарорлари қабул қилинди, назарий ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Жумладан «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализминнг тантанаси», «Социалистик ҳаёт тарзи ва идеология иши масалалари» мавзуида яқинда ўтказилган Бутуниттифоқ конференциялари катта аҳамиятга эга бўлди.

Коммунистик қурилиш ва янги кишини тарбиялаб воғга етказиш манфаатлари идеология ишларини тобора такомиллаштиришни талаб қилади. Гап, аввало меҳнаткашлар сиёсий ўқувининг, кадрларга барча совет кишилари — коммунистлар ва партиясизларга марксча-ленинча таълим беришнинг миқёсларини кенгайтириш ва савиясини ошириш тўғрисида бормоқда. Партия ташкилотлари оммани революцион назарияни ўрганишга жалб этиш билан бирга КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, ҳозирги сиёсий вазиятни ва ундан келиб чиқадиган конкрет вазифаларни оммага яқол тушунтириб беришлари лозим.

Партия совет кишиларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида ғамхўрлик қилар экан, коммунистик ғоявийлик — билимлар, эътиқод ва амалий ҳаракатнинг узвий бирлиги эканлигини назарда тутиб шунга асосланади. Ғоявий-сиёсий чиниқиш жамият олдидаги бурчни ва масъулиятни чуқур тушунишни билдиради, бизда ва чет элларда ижтимоий ҳаёт воқеаларини тўғри тушуна билиш, воқеалар ва фактларга синфий ёндаша билиш маҳоратини тақозо қилади. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи хусусиятларини ҳисобга олганда буни эслатиб ўтиш ўринлидир. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида айтиб ўтилганидек, бу босқич халқаро майдонда синфий курашнинг кучайиши билан характерлидир. Империалистик кучлар социализмнинг муваффақиятлари ва ўсиб бораётган таъсиридан қўрқиб, кескинликни юмшатишга ҳар жиҳатдан халақит беришга уринмоқдалар, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеология соҳасида кўпорувчилик ишларини, антисовет, антикоммунистик тўҳмат кампаниясини уюштирмоқдалар. Улар катта пропаганда аппарати ва энг янги техника воситалари ёрдами билан социализмнинг мафкуравий негизларини бўшаштиришга, хусусий мулкчилик, миллатчилик ва диний хурофотларни, жамиятимизга ёт бўлган урф-одатлар ва қарашларни жонлантиришга уринмоқдалар.

Жаҳон сиёсатидаги ижобий силжишлар халқаро кескинликнинг юмшаганлиги социализм ғояларини кенг ёйиш учун қулай имкониятлар яратади, айни вақтда, иккинчи томондан, икки система ўртасидаги ғоявий кураш янада активлашади, империалистик пропаганда янада кескин тус олади, деб КПСС XXV съезди чиқарган хулоса тўғри эканлигини ҳаёт батамом тасдиқлади. Бу хулоса совет кишилари зиммасига нўпгина вазифаларни юклайди.

«Икки хил дунёқараш ўртасидаги курашда, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида, — бетарафликка ва ёнбосишларга ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу курашда сиёсий хушёрлик юксак даражада бўлиши, пропаганда иши актив, оператив ва ишонтирарли равишда бўлиши, душманнинг идеологик диверсияларига ўз вақтида зарба берилиши лозим».

Буржуа идеологиясининг, сиёсий бепарволик ва хотиржамликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик, бу кўринишларга принципиал баҳо бериш ва уларга қарши актив кураш олиб бориш барча коммунистларнинг, ҳар бир коллективнинг, ҳар бир совет кишисининг энг муҳим бурчларидан биридир.

Энг муҳим вазифа — меҳнаткашларнинг баркамоллиги, ғоявийлигини янада ошириш, уларда сиёсий курашчи фазилатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга партия ташкилотларининг куч-ғайратини сафарбар қилишдан иборат. Бундай фазилатларнинг қарор топишига идеология ишимизнинг жанговарлиги, ҳужжумкор руҳда бўлиши, буржуа пропагандасининг усуллари ва методларини ўз вақтида ва қатъий фош этиш ишлари ёрдам беради. СССР тинчликсевар лойиҳасининг муҳокама қилинаётганлиги ва Октябрь революцияси 60 йиллигининг яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан совет турмуш тарзини, социалистик системанинг капиталистик системадан афзаллик ларини пропаганда қилиш янада катта аҳамият касб этади.

Мамлакат Асосий Қонунининг лойиҳасини кўздан кечирар экан, биз, тузумимизнинг, меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган, ғоявий ва онгли жамияти, ватанпарварлар ва интернационалистлар жамияти бўлган ривожланган социалистик жамиятимизнинг реал тарихий афзалликларини янада яқолроқ кўрамиз.

Ғоявий эътиқод — совет кишилари маънавий кучининг, уларнинг социал оптимизми ва коммунистик идеаллар тантанаси учун курашдаги қудратли куч-ғайратининг манбаи дир.

(«Правда» газетасининг 1 июлдаги бош мақоласи).

Жиззах области, Октябрь районидаги Ҳамид Олимжон номли совхознинг далаларида 5ўлган киши ғўзаларнинг барқ уриб ўсаётганини кўриб кўзи қувнайди. Миришкорлар ғўзаларни меҳр билан парвариш қилиб, кунда бир яшнатяптипар. Бекмурод Бўронов бошлиқ бригада азаматлари ғўзага олтинчи марта ишлов беришяпти. Икки марта озиқлантириб, уч маротаба суғорилган ғўзалар барқ уриб ўсиб, ҳосил ниҳоналарини нун сайин кўпайтиряпти. Суратларда: (чапда) илғор бригада бошлиғи Бекмурод Бўронов (ўнгда) ва моҳир механизатор Қўшмурод Яхшилиқов ўртоқлар. Ўнгда эса ғўзага ишлов бериш акс эттирилган.

Ж. Тўраев фотолари.

ОРОЛ БЎЙИ ШОЛИКОРЛАРИНИНГ СЎЗИ

ОҚМАНҒИТ, 1 июль. (ЎзТАГ). Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида Қорақалпоғистон АССР шоликорларининг кенгаши бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов шоликор хўжаликларнинг коллективлари Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидлашдики, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини маъқуллаган КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет давлати бошлиги лавозимига сайланганлиги, Октябрнинг 60 йиллиги байрамига тайёргарлик автоном республика шоликор хўжаликлари ходимларининг, барча меҳнатчиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини мисли кўрилмаган даражада кучайтириб юборди. Шоликорлар зиммаларига олган мажбуриятларини бажара бориб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида шолидан рекорд ҳосил олиш учун зўр ғайрат билан қурашмоқдалар. Орол бўйи шоликорларининг юксак маҳорати, фидокорона меҳнати, сув ресурслари, машина-механизмлар, минерал ўғитлар, гербицидлардан, шоли етиштириш агротехникасида тўпланган барча энг яхши тажрибалардан омилкорлик билан фойдаланиш об-ҳаво иншиқликларига қарши қилиб қўйилди. «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг С. Холмуротов бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаси автоном республика шоликорлари учун чинакам машъал бўлиб қолди. Бу ерда коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш йўли билан 320 гектар майдондаги шолининг жуда яхши ривожланишига эришилди. Ҳар гектар ердан 60 центнердан яъни план топшириғидан белгиланганидан 20 центнер кўп дон йиғиштириб олишдан иборат қабул қилинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Кўпгина деҳқонлар юксак марраларни белгиладилар. Чапаев номли совхоз меҳнатчилари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 65 центнер, «Партия XXII съезди» совхози 58 центнер, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози 57 центнердан шоли йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Чапаев номли ва «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларининг Ж. Ўтемуротов билан А. Кан бошлиқ илғор бўлимлари ўз далаларининг ҳар гектаридан 70 центнердан шоли йиғиштириб олишга сўз бердилар.

Кенгаш қатнашчилари барча майдонларда ўсимликларнинг нормал ривожланишини таъминлаш, мўл ҳосил тўплаш учун экиларни парвариш қилишни кучайтириш зарурлигига, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишга алоҳида эътиборни қаратдилар.

Шоликорлар кенгаши ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари автоном республикадаги барча шоликорларни Октябрь юбилейи шарафига социалистик мусобақани янада авж олдиришга даъват этдилар. Янги оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. 7 ноябргача Ватан омборларига Орол бўйи қўриғидан 180 минг тонна шоли етказиб беришга қарор қилинди.

КУН ТАРТИБИДА — САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ

АНДИЖОН, 1 июль (ЎзТАГ). Бугун бу ерда пахта тозалаш саноати ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини тамомлади. Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қирғизистон ССР Қорасув пахта тозалаш заводининг прессчиси О. Матишев, Озарбайжон ССР Ужари пахта заводининг директори Ш. В. Самедов, Козоғистон ССР Туркистон пахта тозалаш заводининг прессчиси А. Абдужабборов, Тожикистон ССР Хўжанд ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлов пунктининг мудири Н. Йўлдошев, Туркманистон ССР Йўлўтан пахта тозалаш заводининг бош инженери В. М. Поваров ва бошқалар ўз нутқларида СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланиши тармоқ коллективларида зўр жўшқинликни юзага келтирганлиги тўғрисида гапирдилар.

Корхоналар коллективларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш тўғрисидаги фаолияти синчиклаб анализ қилинди. Кейинги йилларда деярли ҳамма пахта тозалаш заводлари реконструкция қилинганлиги ва техника билан қайта қуроллантирилганлиги, ўнлаб янги заводлар ва тайёрлов пунктлари қурилганлиги қайд этилди. Шу туфайли беш йилликнинг биринчи йилидагина пландан ташқари 265 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, тола, линт ва чигит сифатини анча ошириш мумкин бўлди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш иши жадал суръатлар билан давом эттирилади.

Шу билан бирга нотиқлар ҳамон фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида гапиришди. Жумладан, терилган пахтани қабул қилиш ва сифатини баҳолашни яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштириш ва улардан яхшироқ фойдаланиш, илғор тажрибани кенг жорий этиш зарур. Шу йўл билан беш йиллик мобайнида камида 43 миллион тонна пахтани қайта ишлаш, 25,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат масъулиятли вазифани ҳал этиш мумкин.

Кенгаш қатнашчилари тайёрлов тармоғини юбилей йили ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш масалаларига кўпроқ эътибор бердилар. Улар пахтакорларга мурожаат қилиб, ғўза парваришига доир ҳамма ишларни ўз вақтида сифатли ўтказишга чақирдилар. Топширилаётган пахтанинг юқори сифатли бўлиши ундан аъло сифатли тола ва газлама ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Машинасозлар ва приборсозларга истаклар айтилди — улар заводларни энг янги пахта тозалаш асбоб-ускуналари билан ўз вақтида таъминлашлари, пахта сифатини жадал баҳолайдиган аппаратлар ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйишлари керак.

Қардош республикаларнинг пахта тозаловчилари «Андижанзаготхлопкопром» бирлашмаси заводлари ва тайёрлов пунктларини бориб кўрдилар. Бу бирлашма коллективи ходимлари мамлакат пахта тозалаш саноати меҳнатчиларининг социалистик мусобақасига карвонбошилик қилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари мамлакат енгил саноатининг барча меҳнатчилари олдига КПСС XXV съезди кўйган катта вазифаларни бажаришга аҳд қилганликларини айтишди.

СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасов кенгашда якунловчи нутқ сўзлади. У беш йилликнинг биринчи йилида ишлаб чиқаришда энг яхши натижаларга эришган тармоқнинг бир группа илғорларига эсдалик совғалар топширди.

Кенгаш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ МАНБАИ

ФАРҒОНА, 1 июль. (ЎзТАГ). СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокама этилиши область бутун ижтимоий ҳаётини активлаштиришнинг кучли омилидир. Фарғона область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Депутатлар ана шу муҳим ҳужжатни ва маҳаллий Советларнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамситдинов доклад қилди.

Халқ вакиллари областнинг барча меҳнаткашлари номидан Совет давлати Асосий қонуни лойиҳасини, партия Марказий Комитети май Пленуми қарорларини қизғин маъқуллаганликлари ва қўллаб-қувватлаганлиги ҳақидаги фикрларини изҳор этдилар.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Х. Умаров Фарғона область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

БУХОРО, 1 июль. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область Советининг сессияси бўлди. Сессияда СССР Конституциясининг лойиҳаси ва КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади асосида область маҳаллий советларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов доклад қилди.

Депутатлар Советлар мамлакати Асосий қонуни лойиҳасининг муҳокама этилиши область меҳнаткашларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшганлиги ҳақида гапирдилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишда меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари, уларнинг депутатлари катта роль ўйнайдилар.

Сессия қатнашчилари ташкилий масалаларни кўриб чиқдилар. С. Муродов Бухоро область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

УРГАНЧ, 1 июль. (ЎзТАГ). Хоразм область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари СССР Конституцияси лойиҳасини ва маҳаллий Советларнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Депутатлар Совет давлати Асосий қонуни лойиҳасини якдиллик билан маъқуллаб, партия Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини огишмай ижро этиш учун қабул қилдилар. Улар партия социалистик демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида, хўжалик ва маданий қурилишда Советларнинг ролини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётганлиги тўғрисида фахрланиб гапирдилар Сессия иштирокчилари область меҳнаткашлари юбилей йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажардилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Сессия ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Р. Эшчонов яна Хоразм область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ироқ Араб Социалистик уйғониш партиясининг (БААС) делегацияси Ўзбекистон қаёти билан танишмоқда. Делегацияга партия марказий раҳбарлиги деҳқонлар масалалари марказий бюросининг аъзоси Ҳабиб Хусайн Аббос бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар.

1 июль куни делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Делегация республика бўйлаб сафар қилади, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, Мирзачўл чўлқуварлари, олимлар билан учрашади. (ЎзТАГ).

ИЛЬИЧ ТЎҒРИСИДА ОРАТОРИЯ

УКРАИНА

Харьковлик композитор Валентин Бибик яратган «...сени севгувчи В. Ульянов» ораториясига В. И. Ленининг ўз онасига бўлган жўшқин фарзандлик меҳр-муҳаббати тўла мактуби асос қилиб олинган. Ёш автор Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган ана шу асар устида ишлар экан, жаҳон пролетариати йўлбошчисининг номи билан боғлиқ бўлган жойларни бир неча марта зиёрат қилиб, Москва, Ленинград, Ульяновск музейларидаги бебаҳо обидаларни ўрганган, Ильичнинг самимий сўзларини такрор-такрор кўзлан кечириб чиққан.

Бир қанча симфониялар, инструментал концертлар яратган В. Бибиқнинг ижодий услубини юксак гражданлик мавзулари белгилайди. Унинг «Ёнар қор» кантатаси, Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги музикавий «триптих»лари бир нанча хор коллективларининг репертуарига киритилган.

ПАХТАКОРЛАР МУСОБАҚАЛАШМОҚДА

ТУРКМАНИСТОН

Амударё, Мургоб, Тажан водийларида ва Туркманистоннинг Копетдоғ этагидаги текисликларда ғўза яхши авж олиб, ўтган йилдагига нисбатан 10—12 кун илгари кўсаклай бошлади. Бу — чигит барвақт экилганлигининг, шу билан бирга ғўза меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинганлиги, илғор агротехника қўлланилганлигининг натижаси.

Кўпгина хўжаликлар Тошовуз область Илали районидаги Калинин номли колхознинг ғўзани суғоришдаги илғор тажрибасидан намуна олмоқдалар. Яхлит, текис далаларда ғўза узун эгат олиб суғорилмоқда. Шундай қилинганда сувиларнинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ортиб, меҳнат сарфи қамаймоқда. Тупроқдаги намни узоқроқ сақлаш мақсадида далалар камида икки марта юмшатилмоқда. Чоржўй ва Мари областларидаги бир қанча хўжаликларда ғўза биринчи суғоришгача уч марта культивация қилинди.

Ҳозир республиканинг жанубий районларида қатор оралари бешинчи марта культивация қилинаётир ва экин иккинчи марта суғорилаётир. Қўлбола дентизларнинг сувидан фойдаланилаётир: қиш мобайнида сунъий денгизда бир ярим миллиард куб метрдан ортиқроқ сув тўпланган эди.

Туркманистон деҳқонлари бу йил Ватанга 1 миллион 85 минг тонна — ўтган йилдагидан анча кўп пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган.

ИЛҒОРЛАР САФИГА

МОЛДАВИЯ

Кишиневдаги «Виброприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг гальванометр цехида смена норматаларини бажармаган биронта ҳам ходим қолмади. Коммунистлар астойдил иш олиб борганликлари натижасида бунга эришилди.

Коммунистлар цехда ўтказилган партия йиғилишларининг бирида коллективда мусобаталарни ўзаро ёрдам принципи асосида ташкил этишни таклиф қилдилар. Партия бюроси ёш ишчиларни ўқитишни ўзининг алоҳида назорати остига олди. Социалистик мажбуриятларда тажрибали ишчиларнинг қолоқларни оталиққа олишда албатта қатнашиши махсус модда қилиб ёзиб қўйилди. Бунинг натижасида мураббийлар цех кенгашининг роля янада ошди. Кенгашнинг ой сайин ўтказиладиган мажлислари мураббий ишчилар учун чинакам мактаб бўлиб қолди. Бу мажлисларда тажрибали мураббийлар йигит ва қизларга маҳорат сирларини ўргатиш борасидаги ишлари билан ўртоқлашдилар.

Буларнинг ҳаммаси умумий меҳнат натижаларига дарҳол таъсир ўтказди. Сифат белгиси бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш 12 процент кўпайди, ишлаб чиқариш плани ишларомари ошган ҳолда бажарилмоқда.

— Ана шу цех коммунистларнинг иш тажрибаси, — деди партия комитетининг секретари В. Г. Иваньков, — бирлашма партия комитетининг мажлисида кўриб чиқилди. Бу мажлисга биз бутун партия активини таклиф қилдик. Йил охиригача колоқлар сонини анча камайтириш учун бу тажрибани бошқа ишлаб чиқариш участкаларига ҳам ёйишга қарор қилинди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Областимиз партия комитетларида ҳар иш куни одатда катта қурилиш объектларида қилинаётган ишлар билан атрофлича танишишдан бошланади. Партия ходимлари корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда бўлиб, ўтган бир кун давомида вужудга келган энг муҳим проблемаларни, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни иш устида оперативлик билан ҳал қиладилар. Меҳнат коллективларида вужудга келаётган фойдали таклифларни, кишиларнинг фикр ва мулоҳазаларини тўплаб ва умумлаштириб партия комитетларида муҳокама этадилар, уни ишга жорий этиш юзасидан тадбирлар белгилайдилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976-1980 йилларга мўлжалланган Асосий йўналишларида Жиззах даштини ўзлаштиришни тез суръатлар билан давом эттириш ва бу ишни комплекс тарзда олиб бориш алохида қайд этилган. Область партия ташкилоти ўзининг бутун куч ва имкониятларини, барча ташкилотчилик фаолиятини партиямиз кўйган ана шу вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга қаратмоқда.

Жиззах областини катта қурилиш майдонига қиёс қилса арзийди. Унинг ҳамма районларида улкан қурилиш ишлари қизғин олиб бориляпти. Ўнинчи беш йилликда чўлдан ўзлаштирилган майдонларда 22 та пахтачилик, 2 та мева-узумчилик, 2 та сабзавотчилик, 1 та чўчқачилик ва 1 та паррандачилик совхозлари, тўртта йирик теплица комбинати, 24 гектар экин майдонига эга бўлган цитрусзор теплица бунёд этилади. Тоғли зоналарда 5 минг гектар ер зинапоя усулида ўзлаштирилади. Ана шулар ҳисобига беш йиллик охирига бориб областимизда йилига 500 минг тонна пахта, 400 минг тонна дон, 243 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 33,4 минг тонна гўшт, 62,5 минг тонна сут ва кўплаб бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконияти яратилади. Ихтисослашган боғдорчилик-узумчилик совхозлари эл дастурхонига 130 минг тонна узум ва 67,5 минг тонна мева етказиб беради. Областимиз чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг чорва маҳсулотлари етиштиришни ихтисослаштириш ва саноат асосида ташкил этиш юзасидан жорий этаётган тавсиясига кўра иш кўриб, сўнгги беш йилдаёқ сут етиштиришни 3, гўштни 2, тухум етиштиришни 3,5 баробар кўпайтириш тадбирларини белгиладилар. Ҳозирги ишларнинг кўлами ва суръати белгиланган ана шу марраларга муваффақиятли эришилажагидан далолат бермоқда.

Область партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда коммунистларнинг авангардлигига, уларнинг омма орасидаги ташкилотчилик ва етакчилик ролига алохида аҳамият бермоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва жангговарлигини ошириш кундалик иш фаолиятимизда асосий ўрин олаётир. Партия ташкилотлари эса ўз навбатида меҳнаткашларнинг активлигини кучайтириб, туб ва иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда кўпгина ибратли ишларни қилмоқдалар. Хўжаликка партиявий раҳбарлик яхши ташкил этилгани, партия ташкилотларининг, коммунистларнинг омма ўртасидаги сафарбарлик роли оширилгани эришаётган кундалик муваффақиятларимизда ўз аксини топмоқда.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашлар билан мунтазам иш олиб борар экан, уларнинг ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларини бажариш юзасидан ўзларини қизиқтирган фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини, режаларини эътибор билан эшитадилар. Кўпинча ана шундай суҳбатлар чоғида фақат хўжалик ёки район миқёсидагина эмас, область аҳамиятига эга бўлган фойдали ташаббуслар ҳам вужудга келяпти. Масалан, пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактабини яратган Р. Ҳайдаров Абай номли совхоз бошланғич партия ташкилотига келиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ҳақидаги режалари билан ўртоқлашди. Бунга эришиш йўл-йўриқлари, резервлари ҳақида сўзлаб берди. Совхоз партия ташкилоти коммунист Расул Ҳайдаров бошлик бригада аъзоларининг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Бу ташаббус аввал районда, сўнгра область бўйлаб кенг таралди. Ўрток Л. И. Брежневнинг Расул Ҳайдаровга йўллаган мактубига ёзилган жавоб хатда Жиззах областининг 62 та бригадаси ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилганликлари зўр қувонч билан таъкидланди. Пировардида еттита хўжалик 30 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили топширди. Ҳар гектар ердан 50-60 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берган бригадаларнинг ҳаммаси кўзланган маррани эгаллади. Барча майдонлардаги ҳосилни машиналар билан йиғиб-териб олган Расул Ҳайдаров бошлиқ бригада эса 60 центнердан ошириб пахта топширди.

Бу ватанпарварлик ташаббуси, шунингдек, областимизда пахтачиликни, айниқса, пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаш соҳасида катта силжиш ясашга ёрдам берди. Ўтган йили 27 хўжалик ва кўп бригадаларда етиштирилган ҳосилнинг 90-95 процента фақат машиналар билан териб олинди. Бу эса пахта таннархини кескин пасайтириш, план ва мажбуриятларни муддатидан анча илгари ошириб бажариш имконини берди. Областимиз пахтакорлари ўнинчи беш йиллигининг биринчи йилида бурғоғи йилдагига қараганда 60 минг тонна кўп, жами 290 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилнинг 71 процента машиналар билан териб олинди.

Об-ҳаво ноқулай келган, сув танқислиги рўй бераётган бу йилги шароитда Расул Ҳайдаров ва унинг издошлари сувдан ўринли фойдаланиб, ғўза парваришини сира ҳам суқсайтирмай, ўтган йилги ҳосилдан ҳам кўп пахта етиштириш чақириғи билан чиқдилар. Уларнинг «Бир томчи сувни ҳам исроф қилмай ғўзага берайлик, ҳар туп ғўза диққат-эътиборимизда бўлсин» деган даъвати областимизнинг ҳар бир меҳнатчиси қалбига бориб етди.

Областимиз янги ерлар кенг кўламда ўзлаштирилаётган, янги-янги қурилишлар олиб борилаётган областдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда жойларда ишчи кучларига, малакали мутахассис кадрларга талаб ниҳоятда катта. Шундай шароитда тажрибали пахтакорлардан жиззахлик О. Раҳматов, пахтакорлик А. Валиев ва К. Ражабовлар бошлаган ташаббус, эйниқса фойдали бўлди. Улар ишчи кучлари оз бўлган зоналарда бўлим ва бригадалар экин майдонларини кенгайтириш ҳамда мавжуд техника ва ишчи кучлари ёрдамида ҳар гектар ердан камида 50—60 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Шу тариқа ишчи кучлари оз бўлган хўжаликларда экин майдонларини икки-уч баравар кенгайтирган бригадалар сони ошиб борди. Бундай бригадаларда бир киши икки кишининг иш нормасини бажариш учун курашяпти. Ҳар бир меҳнатчининг топширилган ишга нисбатан масъулияти оширилган. Уларнинг фақат ўзи учунгина эмас, бригадаси, бўлими ва бутун хўжалик фаолияти учун жавобгарлик ҳисси кучайтирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлаган эди: «Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир меҳнаткаш истиқболни билсин, эгаллаш лозим бўлган марраларни, ҳал этилиши керак бўлган вазифаларни равшан ҳис қилсин». Партиямизнинг бу топшириғи кишиларга ишонч ва ҳурмат қўйилган иш учун юксак талабчанлик билан бирга қўшиб олиб борилаётган айни кунларда олдда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Областимизда партия ташкилотлари ишни шундай олиб бормоқдаларки, ҳар бир коммунист ва меҳнатчи қаерда ва қандай вазифада ишлаётганидан қатъий назар фақат ўзининггина эмас, бутун коллективнинг, район ва областнинг истиқболини, якин йиллар ичида эгалланиши лозим бўлган марраларни чуқур тасаввур қилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларига жавобан область меҳнаткашлари Жиззах чўлини ўзлаштиришни икки босқичга бўлиб амалга оширмоқдалар. Биринчи босқичда 60 минг гектар чўл зонаси экинзорларга айлантирилади ҳамда 30 минг гектар тоғ олди лалмикор зоналар сув билан тўла таъминланади. Жиззах чўлининг қолган 90 минг гектарлик қисми якин йиллардагача ўзлаштириб бўлинади. Ирригация ва мелиорация ишлари ўнинчи беш йиллиқдаги энг муҳим вазифалардандир. Ҳозир янги ўзлаштирилаётган майдонларда юзлаб вертикал дренаж қудуқлари барпо қилинмоқда. Бундан ташқари қўллаб гидротехника ҳамда сел тўсиш қурилмалари ҳам қуриляпти. Келгусида чўлнинг асосий қисмига насослар ёрдамида сув чиқариш ва машиналар билан суғоришни режалаштирмоқдамиз. Тоғли зоналарда ўнга якин сув омборлари қуриш бошлаб юборилди.

Биз партия ва ҳукуматимизнинг чўлқуварларга кўрсатган кундалик ёрдами ва ғамхўрлигини ҳар бир ишимизда яққол сезиб турибмиз. «Джизакстепстрой» бошқармаси чўл зонасида янги ерлар очиш, мелиорация ва ирригация ишларини ҳамда янги шаҳар ва поселкалар барпо қилиш вазифаларини бажаришга якдиллик билан киришди. Бу ташкилотнинг қуввати тез суръатлар билан ўсади ва шу беш йиллиқдаёқ капитал маблағларни ўзлаштириш қуввати ярим миллиард сўмга етказилади.

«Ўнинчи беш йиллик жуда катта миқёслар ва катта иқтисодий имкониятлар беш йиллигидир», — ўрток Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида айтган бу гаплари жиззахлик чўлқуварлар олдида турган улкан вазифаларга ҳам тегишлидир. Шунинг учун ҳам биз чуқур иқтисодий режалар асосида иш олиб бормоқдамиз. Ҳар бир сўмдан, ҳар бир меҳнат соатидан самарали фойдаланиб, партиямиз Жиззах чўлини ўзлаштиришни тез суръатлар билан олиб бориш юзасидан белгилаб берган вазифаларни изчиллик билан бажаришни ўзимизнинг партиявий бурчимиз деб биламиз.

М. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон КП Жиззах область комитетининг секретари.



Юқори Чирчиқ гидроузели халқ хўжалиги тараққиётида катта ўрин тутади Тўла автоматлашган бу иншоот 170 минг гектар экин майдонларини сув билан таъминлаяпти. Суратда: гидроузел тўғонининг умумий кўриниши.

Г. Пун, И. Черонов фотоси, (ЎзТАГ).

БУГУН—ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

ФАРОВОНЛИК УФҚЛАРИ

Бугун жаҳон матлуботчилари халқаро Кооперация кунини нишонламоқдалар. Совет матлуботчиларининг кўп миллионли армияси ходимлари бу анъанали байрамни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига тайёргарлик қизғин бораётган, меҳнат ва сиёсий активликлари ниҳоятда ошган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Матлубот кооперацияси ходимлари бутун совет халқи каби янги Конституция лойиҳасини зўр қониқиш билан маъқулламоқдалар. Унинг ҳар бир сатри совет кишиси ҳақида, халқ фаровонлигини юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Савдо ходимлари, шу жумладан, матлубот кооперацияси ходимларига лойиҳанинг 14-моддаси айниқса ёқян. Унда шундай дейилади: **«Кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг тўлиқ қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир».**

Партиямиз томонидан ўртага ташланган «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган шиор амалга ошмоқда.

КПСС XXV съезди олга сурган меҳнаткашлар фаровонлигини янада юксалтириш вазифасини муваффақиятли амалга оширишда матлубот кооперацияси ходимларининг роли катта.

Республикамиз матлубот чилари аҳолига хизмат маданиятини ошириш, тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини, савдо ва умумий овқатланишни янада тараққий эттириш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Риштон район матлубот союзи, Андижон, Оқдарё район матлубот жамиятлари ташаббуси асосида матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларида иш сифати ва самарадорлигини ошириш учун, бу йилги план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, юбилей йилини «совет кишисига юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаймиз» шиори остида муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда.

Ўтган йилги план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этган матлуботчилар ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили товар оборот планларини ҳам ортиғи билан бажармоқдалар. Ярим йиллик товар оборот плани ортиғи билан адо этилди. Қишлоқ меҳнаткашларига пландан ташқари 18 миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари сотилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 90 миллион сўмлик кўпдир.

Кооператорларимиз дала меҳнаткашлари ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Шу кунларда республикамизда 11 мингдан ортиқ дала шийпонлари очилган. Уларни жиҳозлашда ходимларимиз актив иштирок этмоқдалар. Шийпонлар зарур мебеллар, инвентарлар, турли адабиётларни ўз ичига олган кутубхоначалар, шиорлар билан таъминланган. Зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари билан таъминланган автодўконлар график бўйича мунтазам савдо хизмати кўрсатмоқдалар. Мингта кўчма дўкон фақат дала шийпонларидагина хизмат кўрсатиб қолмасдан, узоқ чорвачилик фермалари ва яйловларида савдо қилмоқда. Автодўконлар ҳайдовчилари турли хил товарларга буюртма олмоқдалар. Автодўкон сотувчиларидан Самарқанд областидан Д. Хўжамқулов, Жиззах областидан М. Ҳасанов, Бухоро областидан Ҳ. Ҳамроев, Қашқадарё областидан А. Сафаров ўртоқлар ўз намуналари хизматлари билан харидорлар олқишига сазовор бўляптилар.

Пахтакорлар сотувчисиз дўконлар хизматидан айниқса ҳурсанд бўлмоқдалар. Шунинг учун бу йилги мавсумда бевосита дала шийпонларида 1800 га якин ана шундай дўконлар очилади.

Партия ва совет ташкилотлари аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини юксалтиришга, савдонинг прогрессив формаларини юксалтиришга аҳолида эътибор бермоқдалар. Уларнинг ғамхўрлиги ва ёрдами натижасида матлубот кооперацияси ўз-ўзига хизмат кўрсатишни тараққий эттириш ва такомиллаштириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ҳозир қишлоқ жойларида савдонинг ана шу илғор методи асосида 12 минг магазин ишламоқда.

Ўнинчи беш йиллик — сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Савдо ходимлари магазин пештахталарига фақат юқори сифатли товарлар қўйилиши учун барча зарур чораларни кўришлари лозим. Кооператив савдо эса сифатсиз маҳсулотларни пештахталарга чиқармайдиган катта тўғон бўлиб қолиши зарур.

Матлубот кооперацияси қишлоқ аҳолисига китоб, ва бошқа босма маҳсулотларни сотишни кенгайтирмоқда. Бу йил 30 миллион нусхага якин, деярли 12 миллион сўмлик китоб сотилади. Ҳозирги кунда ўрта ҳисобда ҳар бир қишлоқ аҳолиси матлубот кооперацияси магазинларида беш-олти нусха китоб сотиб оляпти. Лекин биз қишлоқ аҳолисининг турли адабиётларга бўлган талабини ҳали етарли қондира олмаяпмиз. Шунинг учун Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси қишлоқ аҳолисига кўплаб китоб маҳсулотлари етказиб беришини сўраймиз.

Ўнинчи беш йилликда матлуботчилар олдида муҳим вазифалар турибди. Чакана товар оборот беш йиллик охирига бориб 40,5 процент, яъни 4,5 миллиард сўмдан зиёд бўлиши керак. Айниқса, аҳоли маданиятини ва турмушини кўтаришга ёрдам берадиган товарлар сотиш кўпайди. Умумий овқатланиш янада тараққий этади. Кооператив ишлаб чиқариш кенгаяди, савдонинг прогрессив формалари янада кенг жорий этилади.

Яна шу нарсани қувонч билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистон кооператорларининг чет эл мамлакатлари кооператорлари билан алоқалари йил сайин кенгаймоқда. Кейинги беш йил мобайнида республикамизга 60 дан ортиқ мамлакатнинг кооператив ташкилотлари вакиллари келиб кетдилар. Булар орасида Кения, Танзания, Нигерия, АҚШ, Франция, Бельгия, Болгария, ГДР, Чехословакия ва бошқа мамлакатлардан делегациялар бор. Ўз навбатида Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимлари Центросоюз делегацияси составида социалистик давлатлардаги шунингдек, Осиё, Африка мамлакатлари, Латин Америкаси ва бошқа давлатлардаги кооператив ҳаракати билан яқиндан танишдилар. Май ойида Тошкентда Центросоюз томонидан ташкил этилган Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатларидаги кооператив ҳаракат раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда олтмишга якин кооператив ҳаракат раҳбари, шунингдек, Германия Демократик Республикаси вакили қатнашди. Улар ўзбек халқи ҳаёти, совет ҳокимияти даврида эришган ютуқлари билан танишдилар.

Ўзбекистон матлубот кооперацияси Центросоюз орқали чет савдо операцияларида кенг иштирок этмоқда. Ҳар йили республикамиз кооператив ташкилотлари 10 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилмоқдалар.

Республикамиз кооператорлари юбилей йили ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этиш учун барча имкониятларни ишга соладилар. Бутун совет халқи билан бирга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оладилар.

М. ҲАСАНОВ,
«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини биз қурувчилар ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Бу тарихий ҳужжат меҳнат кишилари тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилган. Лойиҳани қизғин қўллаб-қувватлар эканмиз, биз меҳнат кишиси фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган партиямизга чин қалбимиздан миннатдорчилик билдирамиз. Бригадамиз коллективи злобинчасига ишлаб, ҳамшаҳарларимиз учун тез ва соз турар жой комплексларини бунёд этмоқдалар.

Жонажон партиямизнинг беқиёс ғамхўрлигига ана шундай зардоб меҳнат қилиш билан жавоб берамиз.

Ш. МАШАРИПОВ.
Тошкент уйсозлик комбинати 25-қурилиш бошқармасининг ишчиси.

БАХТИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ ҚОНУНИ

Барча совет кишилари қатори биз, студентлар ҳам умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган СССР янги Конституцияси лойиҳасини катта қизиқиш билан кутиб олдик. Лойиҳада СССР гражданларининг илм олиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланиб, бу ҳуқуқни таъминлаш йўллари батафсил баён этилган. Биз ёшлар лойиҳада ўз бахтимизни, келажагимизни ёрқин кўриб турибмиз. Мамлакатимизда «Ёшлик — бахтиёрликдир» деган иборанинг ҳар томонлама асосли эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Биз яшаб ва ўқиётган Студентлар шаҳарчаси Тошкентнинг энг гўзал районларидан бирига айланди. Студентларнинг яхши ўқишлари, мириқиб дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шарт-шароит яратиб берилган. Шаҳарчамизда маданият уйи, кино-театр, замонавий спорт павильони ишлаб турибди. Янги ётоқхоналар, янги йўллар қуриляпти. Буларнинг ҳаммаси биз учун, бахтиёр ёшлар учундир.

Биз Асосий қонун лойиҳасини тўла маъқуллаймиз, шу билан бирга 6-бобдаги 36-моддага битта сўз қўшилишини истаймиз. Бу сўз ҳам совет кишиларининг ҳуқуқларини, уларга берилган эркинликни тўлароқ ифодалашга хизмат қилиши керак. Биз амалда ҳоҳлаган тилимизда гаплашамиз. Шу моддадаги турли миллат вакилларига мансуб бўлган совет гражданларининг тенг ҳуқуқлилиги гарантиялананадиган қисмида «она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланиш» деган сўзлар бор. Худди шу ўринда **«Она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан эркин фойдаланиш» деб тўлдиришни тавсия қиламиз.**

Р. РАУПОВ,
Б. НАЗАРОВ,
Тошкент давлат университети студентлари.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

«Улуғ Октябрь ва ҳозирги замон» мавзуидаги халқаро илмий-назарий конференция 29 июнда Прагада ўз ишини давом эттирди. Конференцияни «Проблемы мира и социализма» журнали уюштирган эди.

76 коммунистик ва ишчи партиялар, революцион-демократик ва миллий-озодлик партиялари ҳамда ташкилотларининг намояндалари марксча-ленинча назариянинг муҳим масалаларини, ҳозирги замон жаҳон тараққиётига Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғояларининг таъсирини анализ қилмоқдалар.

Партияларнинг вакиллари КПСС олиб бораётган назарий ишлар тажрибасининг принципиал аҳамиятини уқтириб ўтмоқдалар. КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев конференцияда шу ҳақда гапирди.

Конференция иштирокчилари империалистлар уюштира бошлаган ва коммунистик ҳамда барча антиимпериалистик ҳаракат сафларини парчалаб юборишга, халқаро кескинликни юмшатишга путур етказишга қаратилган кампанияга қарши курашда коммунистларнинг ва жаҳондаги барча тараққийпарвар кишиларнинг жипслашуви зарур эканлигини уқтириб ўтмоқдалар.

(ТАСС).

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мажлислар залида «КПСС XXV съезди қарорлари ва ўзбек адабиётининг ўзаро алоқалари ва бир-бирларини бойитиши», С. Мамажонов «КПСС XXV съезди ва ёзувчи», ёзувчи, олим П. Қодиров «Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг новаторлик изланишлари», филология фанлари кандидати М. Иброҳимов «Ёш танкидчи масъулияти» хусусида докладлар қилдилар.

Конференцияда ёш ёзувчилардан У. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, З. Аълам ва бошқалар қатнашиб, сўзладилар.

М. САФАРОВ.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлар тўплами бешинчи нашрининг 29-томини ўзбек тилида нашр этди.

Китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти нашрга тайёрлади.

(ЎзТАГ).

„ДИЁНАТ“НИ ЎҚИБ...

ТАҚРИЗ

Ёзувчи Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси»дек узоқ ўтмишга бағишланган тарихий романдан кейин бугунги қайноқ ҳаётимизга яна қайтиб «Диёнат»* номли янги йирик асар яратдики, бу ишини қувонтиради.

«Диёнат» — эпик планда ёзилган, кўп қиррали асар бўлганлиги учун унинг мазмунини тўла қамраб олиш мушкул. Асарда катта ишлар билан банд бўлган йирик хўжалик раҳбарларини, табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланаётган олимларни, область ва район миқёсидаги партия ва совет ходимларини, саҳроларни забт этаётган чўлқуварлар, механизаторлар, боғбонлар, кекса ва ёш знёлилар, студентлар, оддий пахтакорларни кўрамиз, уларнинг ҳаёти, меҳнати, ютуқ ва камчиликлари, дарди-дунёси, шодликлари, қайғулари билан танишамиз.

Романнинг марказида улкан хўжалик раҳбари, миллионер колхоз раиси Отақўзи Умаров билан унинг тоғаси, кекса коммунист, олим Нормурод Шомуродов туради.

Отақўзи ўз қишлоғи, ўз колхози учун катта ишлар қилган истеъдодли раҳбар. Ёзувчи унинг ҳаёт йўлини, катта ишларини батафсил, кўп ўринларда завқ-шавқ билан тасвирлайди, хўжалик раҳбари сифатида катта истеъдодга эга эканини қайта-қайта таъкидлайди, лекин буни таъкидлагани ҳолда муҳим бир фикрни ўртага ташлайди: бизда ким бўлмасин, қандай катта ишлар қилмасин, агар у социалистик қонунчиликни бузса, жамиятимиз ахлоқ нормаларига риоя қилмаса, оқибати яхши бўлмайди, дейди ёзувчи.

Ёзувчи ўзининг бош қаҳрамонини бир ё бир нечта эмас, юз хил кўйга солади, биз уни жуда кўп қийин, чинакам драматик вазиятларда кўрамиз. Инсон сифатида ҳам у бирда ўта қўпол ва манман бўлса, бирда ўта танти, мард, олижаноб. Биз роман давомида, бирда ундан ранжисак ва ҳатто дилимизда унга қарши исён уйғонса, бирда ҳурмат ва меҳр уйғонади. Энг муҳими — бу жиддий характер, кўп қирали бу образ орқали биз ҳаётнинг кенг ва мураккаб тасвирига эга бўламиз. Романдаги олимлар ҳаёти тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Ўзбекистонда илк сув инженерларидан бири, Мирзачўлни ўзлаштириш учун биринчилардан бўлиб курашган, катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган Нормурод Шомуродов ҳар бир ишда, фақат катта масалалардагина эмас, энг майда-чуйда нарсаларда ҳам пок бўлиш, ҳалол ва принципиал йўл тутишга ҳаракат қилади. У принципсиз олим Боҳид Миробидовга, унинг илмий жиҳатдан асосланмаган палапартиш ғояларига қарши кескин курашади, турмушда ноҳалолликни кўрганда ва фақат «етти ёт бегона» Миробидов, ҳатто ўз жияни Отақўзини ҳам аямайди. Бу ҳислатлари, айниқса тўғри сўзлиги учун у кўпларга, жумладан туғишган жияни Отақўзига ҳам ёқавермайди, бунинг устига қўрслиги, ўз билганидан қайтмаслиги, принципиаллиги туфайли Нормурод Шомуродов ҳаётида кўп азият чеккан, унинг ҳаёти ва тақдири драматик воқеаларга тўла. Лекин, шунисе яхшики, бу одам қанчалик қўпол, дагал, баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ бўлмасин, Боҳид Миробидов эса, аксинча, ҳаммага яхшилик қилишга уриниб, дуторларни эшиб чалиб, ҳамманинг кўнглини кўтариб юрадиган ширинсухан бир кимса бўлмасин, китобхоннинг бутун ҳурмати, бутун меҳр-муҳаббати Нормурод Шомуродов томонида бўлади. Ички зиддиятларга бой йирик характернинг эстетик қиммати ҳам шунда бўлса керакки, биз бу одамнинг принципиаллиги ва ҳақгўйлиги учун унинг қўрслиги ва «шафқатсизлигини» ҳам кечирамиз. Чунки у инсон сифатида пок бўлгани учун кўп ҳолларда ўз характеридан ўзи изтироб чекиб юради.

Романнинг ҳаётийлиги ва жонли чиқишини таъмин этган Жамол Бўриев ва Фазилат, Ҳайдар ва Латофат, Наимжон ва Прохор каби қаҳрамонлар орасидан биз яна бир жиддий образга тўхтаб ўтмоқчимиз. Бу ҳам бўлса — райком секретари Аброр Шукурович образидир. У чуқур маданиятли, ақлли раҳбар сифатида одамлар тўғрисида пала-партиш хулосалар чиқаравермайди, ўз туйғуларини жиловлай олади, бир фикрга келишдан олдин масалани атрофлича ўрганиб чиқишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у аввал бошда Отақўзига қарши кескин чоралар кўришга шошилмайди, Отақўзининг хўжалик раҳбари сифатидаги улкан истеъдодини қадрлагани учун уни эҳтиёт қилишга, тўғри йўлга солишга уриниб кўради ва бу уринишлари зое кетганидан кейингина тегишли чора кўради. Ёзувчи Аброр Шукуровичнинг характерини чуқур драматик ҳолатларда тасвирлаб, унинг руҳий оламини ички монологларда очиб беришга урингани, бу нарса унга китобхоннинг эсида қоладиган жиддий образ яратиш имконини берган.

Романнинг композицияси, ёзувчининг характер яратиш услуби, қаҳрамонлар психологиясини очиш борасидаги изланишлари, табиат тасвиридаги нозик кузатишлари ҳақида ҳам анча ижобий фикрлар айтиш мумкин эди. Бундан, албатта, «Диёнат» романи камчиликдан тамоман ҳоли, ҳар жиҳатдан мукаммал асар, деган хулоса чиқмаслиги керак. Диди юксак китобхонлар ва айрим танқидчиларимиз романда учрайдиган такрорлар, баъзи мантиқсизликлар, ёзувчи тилидаги «тишга тегадиган» гализликларни тўғри таъкидлаб ўтишди. Бизнинг фикримизча, романнинг бош қисми бир оз чўзилиб кетганга ўхшайди. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Нормурод Шомуродов ҳаётининг сўнгги дақиқалари, айниқса унинг ўлими тасвирланган саҳифаларда чуқур маъно етишмаётганга ўхшайди.

Биз бу ва бунга ўхшаш бирмунча камчиликларни эътироф этиб, ёзувчининг диққатини уларга қаратганимиз ҳолда адабиётимиз бугунги ҳаётни жиддий таҳлил этувчи, яна бир салмоқли асар билан бойиганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари кандидати.

*) **Одил Ёқубов. «Диёнат» — «Шарқ юлдузи» журнали, 1977 йил, № 3, 4, 5.**

УСПИРИНЛАР ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ҒАМХУРЛИК

Прокуратура органлари ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши 30 июнь куни Москвада ўз ишини тугатди. Кенгаш балоғатга етмаганлар орасида ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати даражаси ва самарадорлигини оширишга бағишланди.

Кенгашда айтиб ўтилдики, ўспиринлар орасида қонун бузишларнинг ўз вақтида пайини кириш ва олдини олишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати даражаси ва самарадорлигини анча ошириш партия ва давлат қўйган энг муҳим вазифалардан биридир. Кенгаш қатнашчилари орттирилган иш тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ўспиринларнинг ҳуқуқ-тартиботни бузишларининг олдини олишда прокуратуранинг ички ишлар, юстиция, суд органлари бошқа давлат ташкилотлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини яхшилаш борасидаги чоралар ишлаб чиқилди. (ТАСС).

РАСМИЙ БЎЛИМ

ЕР РЕСУРСЛАРИ ПУХТА ҲИСОБГА ОЛИНСИН

Ер ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишда муҳим резервларидан бири ҳисобланади. Аммо КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилганидек, бу ишда ҳали жиддий нуқсонлар мавжуд. Ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган докладида «биз ерга ҳурматсизлик билан қараш... ҳолларига ҳамон дуч келиб турганлигимиздан кўз юммаслигимиз лозим. Бундан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ» деб айтган эди.

Мана шуни назарда тутиб, «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да ер ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни қўриқлаш соҳасидаги вазифалар белгилаб берилди.

СССР Министрлар Совети шу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Давлат ер кадастрини олиб бориш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мазкур қарорга мувофиқ СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари 1977 йилдан бошлаб давлат ер кадастрини олиб боришни таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишлари лозим. Қарорда таъкидлаб ўтилдики, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ давлат ер кадастрини олиб бориш ердан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни, халқ хўжалигини планлаштиришни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослашни, шунингдек ердан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа халқ хўжалик тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш мақсадларига хизмат қилиши лозим.

СССР ҳукумати тасдиқлаган давлат ер кадастрини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомда ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий холатлари тўғрисидаги аниқ ва зарур маълумотлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак бўлган давлат ер кадастри ССР Иттифоқи учун ягона системада олиб борилади ва ердан фойдаланиш, ернинг миқдори ва сифатини ҳисоба олиш, тупроқнинг хусусиятларини белгилаш ва иқтисодий баҳо беришдан иборат маълумотларни ўз ичига олади. Давлат ер кадастрини СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги системаси ер тузилиши хизмати олиб боради.

Шу низомга мувофиқ СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ердан фойдаланишни рўйхатга олиш, ерни давлат ҳисобига олиш ишларига ва давлат ер кадастрини олиб бориш билан боғлиқ бошқа ишларни амалга оширади, барча министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун, шунингдек барча гражданлар учун мажбурий бўлган методик йўл-йўриқларни ва бошқа масалалар юзасидан инструкцияларни тузиб чиқади ва тасдиқлайди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига шунингдек мавжуд ерлар тўғрисида ва уларнинг категориялари бўйича, экинзорлар ва ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни системали равишда ўрганиш ва сақлашни таъминлаш шунингдек давлат ер кадастрининг эълон қилиниши лозим бўлган материалларини нашр этиш топширилди.

Низомда кадастрга тегишли маълумотларни вақти-вақти билан аниқлаб ва янгилаб туриш тартиби шунингдек ер кадастрини олиб бориш қоидаларига риоя қилиниши устидан контролликни амалга ошириш кўзда тутилади.

СССР ҳукуматининг қарорида кадастр ҳужжатларининг формалари белгиланган (корхона, ташкилот ва муассасанинг, район (шаҳар)нинг ер кадастри китоби, область, ўлка, автоном ва иттифоқдош республиканинг давлат ер кадастри, СССРнинг ер кадастри).

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига мамлакатнинг асосий деҳқончилик зоналарида ерларнинг ҳолатига баҳо бериш, аэросъемка ва топосъемка ишларини, давлат ер кадастрига киритиладиган маълумотларни системали равишда аниқлаш ва янгилаб туришни таъминлайдиган ҳажмда тупроқни геоботаника ва бошқа жиҳатлардан текшириб чиқиш ишларини ўзларига қарашли ташкилотларнинг кучи билан 1977—1980 йилларда тамомлашни таъминлаш топширилди.

ЧОРВА МОЛЛАРНИ БУТУНИТТИФОҚ МИҚЁСИДА РЎЙХАТГА ОЛИШ

СССР Министрлар Совети 1978 йил 1 январдаги ҳолатига кўра мамлакатда чорва молларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Чорва моллар 1978 йил 1 январдан 10 январгача бўлган муддат ичида қишлоқ жойларда, шунингдек шаҳарларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда рўйхатга олинади. Ўз хўжаликларида чорва моллари бўлган министрликлар, идоралар ва ташкилотларга мавжуд чорва молларни инвентарлаш ва бу ишни рўйхатга олиш бошлангунча тамомлаш таклиф этилди.

Қарорда чорва молларни Бутуниттифоқ миқёсида рўйхатга олишни ташкил этиш тадбирлари белгиланди.

КУЧИБ КЕЛУВЧИЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ ҚУРИШГА БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ КЎПАЙТИРИЛДИ

СССР Министрлар Совети «Кўчиб келувчилар учун уй-жой қуришга бериладиган кредит миқдорини кўпайтириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Гражданларнинг колхозлар ва совхозларга кўчиши учун шарт-шароитни яхшилаш ва кўчиб келувчилар учун ёрдамчи бинолари бўлган шинам уй-жой қуриш мақсадида СССР Министрлар Совети колхозлар ва совхозларга бериладиган кредит миқдорини кўпайтирди. Кредит миқдори қуйидагича кўпайтирилади:

Приморье ва Хабаровск ўлкаларининг, Амур, Чита ва Камчатка областларининг районларига кўчиб келувчи оилалар учун 12 минг сўмгача;

РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасидаги айрим районларга Ғарбий Сибирь ва Шарқий Сибирь иқтисодий районларига ҳамда Қозоғистон ССРга кўчиб келувчи оилалар учун 10 минг сўмгача;

Бошқирдистон АССР, Дағистон АССР, Қалмоқ АССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг, Астрахань, Волгоград, Оренбург, Саратов, Донецк, Запорожье, Қрим, Николаев, Херсон, Брест, Гомель ва Бухоро областларининг ерлари суғориладиган ва эҳтиёт қўчириладиган районларига кўчиб келувчи оилалар учун (тегишли иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан келишиб тузган рўйхатига мувофиқ), 7 минг сўмгача.

Амалдаги қонунга мувофиқ кўчиб келувчилар кредитнинг оз қисмини тўлайдилар. Уй-жой қуриш учун бўлган ҳаражатларнинг асосий қисми колхоз, совхоз маблағлари ва давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Шу қарорга мувофиқ кредит миқдори анча кўпайтирилганлигига қарамай кўчиб келувчи оилалар ҳисобига тўланиши керак бўлган маблағ асосан илгариги миқдорида қолдирилади. Шу билан бирга юқорида айтиб ўтилган районлар учун колхозлар ва совхозларнинг маблағлари ҳисобидан кредитнинг бир қисмини қоплаш лозим бўлган муддат ҳам узайтирилди.

Н. М. ШВЕРНИК ТУҒИЛГАН КУННИНГ ТУҚСОН ИЙЛЛИГИ ТУҒРИСИДА

1978 йилда Н. М. Шверник туғилган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан ҳамда Совет давлати атоқли арбобининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида СССР Министрлар Совети тегишли қарор қабул қилди. Қарорда Москва шаҳридаги меҳнат саройи биноси олдида Н. М. Шверникка ҳайкал ўрнатиш кўзда тутилади. Ҳайкал лойиҳасини тузиш СССР Маданият министрлигига топширилди.

ВЦСПСнинг касаба союз ҳаракати олий мактабига Н. М. Шверник номи берилди. Олий ўқув юртларининг энг яхши аълочи студентлари учун Н. М. Шверник номли стипендия ҳам таъсис этилди. (ТАСС).

ЯНА ДИЙДОР КЎРИШГУНЧА ХАЙР, ДЎСТЛАР!

Харьковдаги актерлар уйида шаҳар театр жамоатчилигининг Горький номли Тошкент театри артистлари, режиссерлари, рассомлари билан дўстона учрашуви бўлди.

Горький номли театрнинг бош режиссери Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Виктор Стрижов учрашувлардан олган завқи тўғрисида, Советлар мамлакати санъат арбобларининг ижодий дўстлиги, мустаҳкам қардошлик алоқалари тўғрисида гапирди. Сўнгра Пушкин номли Харьков театрининг бадиий раҳбари, Украинада хизмат кўрсатган санъат арбоби Александр Барсегян сўз олди. Сизларнинг ажойиб санъатингиз билан учрашув, — деди у, қалбимизда абадий қолади. Сизлар Харьковдаги бир ойлик гастроль даврида томошабинларнинг самимий меҳр-муҳаббатига, чуқур миннатдорчилигига сазовор бўлдингиз.

Ўзбекистон театридаги ижодкор ёшларга юқори баҳо берилиб, кўпгина самимий тилаклар билдирилди. «Русларнинг сири» ва «Вестсайд воқеаси» спектакллари кўпчиликка манзур бўлди. Тошкент театр-рассомчилик институтини битириб чиқувчиларнинг диплом иши сифатида юзага келган бу спектакллар дарҳол академик театр репертуаридан муносиб ўрин олди. Харьковликлар яқиндагина институтни тамомлаб чиққан Тамара Машеева, Ирина Авдюшко, Павел Гаврилюк, Александр Кузин ва бошқаларнинг табиийлигини ва саҳнавий латифлигини муносиб баҳоладилар.

Саҳна усталари ижодий режаларини баҳам кўрдилар, ўтказилган гастроллар тўғрисидаги таассуротларини сўзлаб бердилар, Харьков трактор заводи меҳнатчилари билан, областдаги илғор «Большевик» колхози ғаллакорлари билан бўлган самимий учрашувлар тўғрисида гапирдилар.

Область меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги муваффақиятли иши учун Горький номли Тошкент театри коллективи, шунингдек театрнинг бир группа, етакчи ходимлари Харьков область ижроия комитетининг ёрлиқлари билан мунофотланди.

Харьков меҳнаткашлари Ўзбекистонлик артистларни кузатар эканлар, яна дийдор кўришгунча хайр, дўстлар! — деб қолдилар.

(РАТАУ — ЎзТАГ мухбирлари).

Харьков.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Яқинда Оржоникидзе номли колхоз сабзавот пайкалларида бўлдик. Бир томонда помидор, карам пишиб ётибди, иккинчи томонда бодринг, пиёз, сабзи, картошка хирмонлари тўкин-сочин. Колхозчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, юк ортилган машиналар, тележкаларнинг кети узилмайди...

Колхоз эртаги сабзавот экинларининг анчагина ҳосилини йиғиб-териб олди ва тайёрлов ташкилотларига 520 тонна юқори сифатли маҳсулот жўнатди. Шуниси қувончлики, юбилей йилининг ҳосили ҳар қачонгидан юқори бўлмоқда. Эртаги карам, пиёз, ошкўк, картошкадан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп маҳсулот олинди. Эрта кўкламдеёқ меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинган 300 тонна карам, 400 тоннадан кўпроқ бодринг бу ҳисобга кирмайди.

Шу кунларда колхоз меҳнат аҳли ўртаги экинлар ҳосилини теришга киришиш, кечки экинларни барвақт экиб бўлиб, парваришни авж олдиришни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига мусобақани кучайтирмоқдалар. Мусобақада А. Нуржонов, Ҳ. Давлатов, Ҳ. Иброҳимов, Ҳ. Қодиров, Ю. Камбаровлар бошлиқ бригадаларнинг сабзавоткорлари пешқадамлик қилишяпти. Бу бригадаларда тайёрланган ва тайёрлов ташкилотларига жўнатилаётган маҳсулотлар юқори сифат билан қабул қилинмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти сабзавоткорларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқда. Дала шийпонлари меҳнат аҳлининг маданий қордиқ чиқариш жойига айлантирилди. Агитаторлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисидаги доклади ва Конституция лойиҳаси ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Сабзавоткорлар бу тарихий ҳужжатларни чин юракдан маъқуллаш билан бирга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйини муносиб совғалар билан кутиб оламиз, меҳнаткашларнинг дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун барча турдаги экинлардан юқори ҳосил кутарамиз ва уни ғалла навлар билан аҳолига етказиб берамиз демоқдалар.

С. АЛИЕВ,
Калинин райони.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ЗИЁВУДДИН («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Пахтачи райони ғаллакорлари КПСС Марказий Комитети май (1977 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга дон сотиш топшириғини областда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктларига 1200 тоннадан кўпроқ дон етказиб берилди.

Райондаги «Самарқанд», Охунбобоев номли, Калинин номли колхозлар давлатга ғалла топшириш планини ошириб бажариб, уруғлик фондини ҳам тўла жамғардилар. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерданга айланди. «Пахтакор» колхозининг комсомол аъзоси Мардонқул Мавлонов бошлиқ ғаллачилик бригадаси 71 гектар ердаги олти қиррали арпа ҳосилини етти иш кунида ўриб-йиғиб олди. Беда билан аралаш экилган ғалланинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МОНГОЛИЯ

Чепелликларнинг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш тўғрисидаги чақириғига Улан-Баторда гилам фабрикасининг коллективи зардор ишлар билан жавоб бермоқда. Коллектив ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун курашиб, экспорт қилиш учун ишлаб чиқариш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Қардош мамлакатларга — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоларига 150 минг квадрат метрдан зиёд гилам, шу жумладан халқаро кўрикларда олтин мукофотлар олган «Алтанбулаг», «Улан-Батор» номли машҳур гиламлар жўнатилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи Загорьедаги (ЧССР) энг катта комбинатни қуриш ишлари ниҳоясига етди. Комбинат Карпат тоғлари этагида қад кўтармоқда. У янги қурилишларга оқ ва рангли цемент, сунъий сувоқ ва бошқа материаллар тайёрлаб беради.

Корхона энг янги техника билан қуролланган. Унда деярли ҳамма технология жараёнлари автоматлашган ва механизациялашган. Комбинат қурилиши Чехословакия олтинчи беш йиллигининг энг муҳим қурилишларидан бири, деб эълон қилинган.

БОЛГАРИЯ

Болгариянинг бирлашган граждан авиацияси — «Балкан» тузилганига ўттиз йил тўлди. Бирлашманинг бош директори Ш. Штерев шу муносабат билан ТАСС мухбирига суҳбат чоғида бундай деди: Болгария социалистик қурилиш йилларида ҳаво флоти ривожланган мамлакатга айланди. «Балкан» 60 та халқаро авиакомпаниялар билан алоқа қилмоқда. Ҳозирги вақтда бизнинг самолётларимиз жаҳондаги 30 дан ортиқ пойтахт ва катта-катта шаҳарларга мунтазам равишда қатнаб турибди. «Балкан» халқаро трассаларда Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган «ТУ-134» ва «ИЛ-62» самолётларидан фойдаланмоқда.

ГДР

Республиканинг комбинатлари, заводлари ва фабрикаларида эркин немис касаба союзлари бирлашмаси томонидан тузилган социалистик меҳнат мактабларидан ўқувчиларининг сони ўтган беш йил мобайнида қарийб саккиз баравар кўпайди. Ҳозир шу мактабларда ГДР меҳнаткашларидан икки миллиондан кўп киши шуғулланмоқда. Улар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибаси билан танишмоқдалар. Партия ва касаба союз активлари, машҳур олимлар ва ишлаб чиқариш мастерлари меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

(ТАСС).

ГДР НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

БЕРЛИН, 30 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ГДР давлат чегараси ҳамон бузилаётганлигига қарши ГФРнинг тегишли органларига норозилик билдирди ва ГФР ҳукуматидан шундай бузувчиларнинг пайини қирқиш юзасидан олинган ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришни талаб этди. АДН агентлигининг кеча эълон қилинган ахборотида шу тўғрида гапирилади. Ахборотда, жумладан ГФР территориясидан ғғвогарлик мақсадида қилинаётган хуружлар натижасида ГДР территориясидаги чегара иншоотлари вайрон қилинаётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Ғарбий Германия неофашистлари миллий демократик партия ва шу хилдаги бошқа нацист ташкилотларнинг безорилари билан бирга Франкфурт-Майнда «Германия слёти» ўтказдилар, «Слёт» қатнашчиларини ҳимоя қилиш учун шаҳар марказига полициячиларнинг броневик ва сув сепадиган машиналари билан кучайтирилган катта-катта отрядлари юборилди.

Франкфурт —Майн шаҳри жамоатчилиги неофашистларнинг бу чиқишларини қатъий қоралади. Шаҳарнинг мингминглаб аҳолиси — социал-демократлар, коммунистлар, аёллар ва ёшлар «Фашизм ва уруш танқорланмаслиги даркор!», «Нацистлар, Франкфурт-дан туёғингизни шиқиллатиб қолинг!» каби шиорлар остида норозилик намойиши ўтказдилар. Неофашистлар полициянга орқа қилиб, норозилик митинги қатнашчиларига ҳужум қилдилар ва ўндан ортиқ кишини жароҳатладилар. Суратда: тўқнашув пайти.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

А. Б. ВАЖПАИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 30 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи парламентда бундай деди: Ҳиндистоннинг социалистик мамлакатлар билан муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб боришига шак-шубҳа йўқ. Тинч-тотув яшаш сиёсатини қарор топтиришдан, жаҳонда барқарорликни таъминлашдан, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан умумий манфаатдорлик, деди министр, Ҳиндистон билан социалистик мамлакатлар ўртасида келгусида мустаҳкамроқ ҳамкорлик ўрнатиш зарур эканлигини тақозо этади.

А. Б. Важпаи Ҳиндистон блокларга қўшилмаслик сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлади.

ОППОЗИЦИЯ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР

ИСЛОМОБОД, 30 июнь. (ТАСС). Покистон ҳукумати мамлакат бошидан кечираётган сиёсий тангликни бартараф қилиш мақсадида оппозиция билан келишиб олиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқда. Аммо Покистон ҳукумати Покистон миллий уюшмасининг парламентга янги сайлов олдидан кўриладиган тайёргарлик ва сайловни ўтказиш устидан контроллик қилувчи комитетнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва бу комитетни амалда «ҳукуматдан устун турган» комитетга айлантириш ҳақидаги талабига ҳеч қачон кўшила олмайди. Бош министр З. А. Бхутто бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирди.

Бош министр бундай деди: ҳукумат Покистон миллий уюшмаси раҳбарлари билан олиб борилган музокараларда оппозициянинг асосий талабларини бажаришга рози бўлди — 7 октябрда армия ва адлия органларининг назорати остида янги умумий сайлов ўтказиш тўғрисидаги таклифни қабул қилди, эркин овоз берилишини гарантиялаш учун сайлов комиссиясининг кенг ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлаймиз, деб ишонтирди, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш устидан назорат қилувчи комитетни тузишни таклиф этди. Бу комитетда ҳар икки томондан қатнашадиган вакиллар сони баб-баравар бўлади. Ҳукумат ана шу комитет овоз бериш билан боғлиқ низоли масалаларни ҳал этиш билангина шуғулланажагини назарда тутган эди.

Покистондаги сиёсий танглик март ойида ўтказилган парламент сайловидан кейин бошланган эди. Тўққиз оппозициячи партияни бирлаштирган Покистон миллий уюшмаси ҳукумат берилган овозларнинг натижаларини гўё соҳталаштирди, деб уни айблади ва армия ҳамда мувақкат ҳукуматнинг назорати остида янги сайлов ўтказишни талаб қилди. Оппозиция турли шаҳарларда ҳукуматга қарши ҳаракатлар уюштирди.

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Жаҳон матбуоти ва жамоатчилиги СССР янги Конституцияси лойиҳасини ҳамон шарҳлашда давом этмоқда.

ВЕНГРИЯ

«Непсабадшаг» газетаси СССР янги Конституциясининг лойиҳасини шарҳлаб, у жуда тараққий топган ижтимоий ва сиёсий тузум ҳужжатидир, унда кўпдан-кўп шундай янги элементлар борки, уларни бошқа давлатларнинг конституцияларидан излаб овора бўласиз, деб ёзади. Инсон ва граждан ҳуқуқларининг социалистик концепциясини ифода этувчи ва шу ҳуқуқларнинг ҳаммасини кўзда тутувчи бу Конституция лойиҳаси буржуа пропагандасининг инсон ҳуқуқлари масаласи юзасидан тўқилган ўйдирмаларига яқол жавобдир. Конституцияда социалистик демократияни янада ривожлантириш тўғрисида айтилган гаплар СССР ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий йўналиши эканлигини таъкидламоқ зарур.

ПОЛЬША

«Жолжен вольности» газетаси СССРда Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш қандай бораётганлиги тўғрисида «Тарихий аҳамиятга молик ҳужжат» деган мақолани берган. Газета лойиҳанинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилган бўлими муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бугунги босқич, деб ёзади газета, марксизм-ленинизмнинг бузилмас пойдеворига, ҳозирги дунёнинг энг инсонпарвар идеологиясига суянувчи Совет—Польша қардошлик дўстлиги ва қардошлиги янада мустаҳкамланганлиги билан характерланади.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛАР БИЛАН БИРДАМЛИК

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия касаба союзлари Марказий ташкилотининг правленияси БМТ инсон ҳуқуқлари Комиссияси номига телеграмма йўллаб, фашистлар хунтаси «бедарак йўқолган» деб эълон қилган 2,5 минг чилилик ватанпарварларнинг тақдирини текшириш учун халқаро комиссия тузиш тўғрисидаги жаҳон жамоатчилигининг талабларига қўшилганлигини билдирди.

БОННН. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари билан антиимпериалистик бирдамлик Ғарбий Германия комитети халқаро жамоатчиликни 2,5 минг чилилик ватанпарварларнинг тақдири тўғрисида маълумот беришга Пиночет тўдасини мажбур этишга даъват қилди.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг турли шаҳарларида Чили халқи билан бирдамлик митинги ва намойишлари бўлиб ўтди. Чикагода Чили ватанпарварларининг қаётини қутқариб қолиш учун курашувчи маҳаллий комитетнинг даъватига мувофиқ Чили халқининг кураши билан бирдамлик юзасидан ўтказилган намойишда касаба союз, студентлар ва бошқа ташкилотларининг намояндалари иштирок этдилар. Улар Чилида террорнинг тўхатилишини, хунта барча тутқунларнинг дарҳол озод этилишини, шунингдек «бедарак йўқолган» сиёсий маҳбуслар тақдирини аниқлашни талаб қилдилар.

ТОКИО. Ҳарбий-фашист хунтаси, деб ёзади Японияннг «Акахата» газетаси, Чилидаги ватанпарвар ва демократик кучларнинг намояндаларига қарши қаттиқ жазо чораларини кўрмоқда. Газета Японияннг жамоат ташкилотларини Чили халқининг фашизмга қарши олиб бораётган кураши билан бирдамлик ҳаракатини кучайтиришга чақирди.

(ТАСС).

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЛИВАННИНГ ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ

Ливаннинг жанубидаги аҳвол кескинлигича қолиб кетмоқда. Исроил артиллерияси жанубий Ливаннинг аҳоли пунктларини доимо ўққа тутмоқда, консерватив партияларнинг ҳарбий бўлинмалари эса миллий-ватанпарвар кучларнинг ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг позицияларига ҳужум қилиб турибди.

Консерватив кучлар Исроил бронетранспортерлари ва пиёда қисмларининг мадади билан жанубий Ливандаги Ибл ас-Саки ва Балат қишлоқларига ҳужум қилдилар. Бу ҳужумдан олдин шу қишлоқлар тўп ва миномётлардан узоқ вақт ўққа тутилди. Бунинг натижасида кўпгина уйлар вайрон бўлди. Тинч аҳоли орасида ўлганлар ва яралар бўлганлар бор. Исроил ҳарбийлари жанглар бўлаётган районларга вертолётларда қўшин ва ўқ-дори ташиб турди.

АМЕРИКАЛИК ҚУЗҒУН ПЕКИНДА

АҚШ ҳарбий денгиз кучлари штабининг собиқ бошлиғи, истеъфодаги адмирал Элмо Замуолт Хитойга ташриф буюрди. У илгари Америка ҳарбий денгиз кучларининг Жанубий Вьетнамдаги қўмондони павозимида ишлаган ва шу тарика АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив урушида актив қатнашган, ана шу урушни «пировард ғалабагача» давом эттиришнинг ашаддий тарафдори бўлган эди. Э. Замуолт Лаос ва Камбоджадаги бомбардимон қилишни кучайтиришга ҳам даъват қилган эди. Ҳозирги вақтда Э. Замуолт қуролланиш пойгасини кучайтириш учун, халқаро кескинликни юмшатишга қарши ғалларни халойиқ ўртасида айтиб юрганлиги билан машҳурдир.

ХИТОЙДА КАДРЛАР САФИ ЯНА ТОЗАЛАНМОҚДА

Утган йилнинг октябрь ойида Мао Цзэ-дуннинг хотини бошлиқ «тўртлар гуруҳи» қамоққа олинганидан кейин Хитойда навбатдаги тозалашни ўтказишга дарҳол киришилди. Декабрь ойининг ўзидаёқ «партия сафларини тартибга солиш ва иш услубини тартибга солиш кампанияси» ўтказилажаги эълон қилинди.

Аслини олганда бунда гап кейинги йигирма ой мобайнида партия ва давлат аппаратини иккинчи марта тозалаш тўғрисида боряпти, 1975 йилнинг октябрь ойида ва шундан кейинги ойларда қувғин қилинган қадрлар ўрнига нўлчилиги ХКП сафига эндигина қабул қилинган янги ходимлар раҳбарлик лавозимларига шошилинч суратда тайинлана бошланди.

Пастдан кўтарилган ана шу ходимлар ҳозирга келиб, «тўртлар гуруҳи» тарафдорлари қаторига киритилмоқда. «Жэньминь жибао» газетаси Мао вафотидан олдинги икки йил ичида ўз тарафдорларини партияга «жадаллик билан қабул қилганлиги» учун «тўртлар гуруҳи»ни яқинда танқид қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: икки йил аввал кучайтириб юборилган кампания натижасида ХКПнинг янги аъзолари унинг сафларидаги аъзоларнинг қарийб 15 процентини ташкил этиб, шу билан бирга бир қанча вилоятларда партия сафига янгидан қабул қилинганларнинг сони бундан ҳам ошиб кетди. Чет эл матбуотида босилган маълумотларга қараганда, ўша даврда бир миллиондан ортиқ киши жойларда партиявий ва маъмурий ишларга кўтарилган. Эндилинда ана шу бир миллион кадрнинг ҳаммаси «тўртларнинг гумаштаси», уларнинг «қора чангаллари» деб эълон қилинди. Яқинда «Жэньминь жибао» газетаси уларга қарши «шиддатли кураш» кучайтириб юборилди, деб ёзди.

Партия ички нурашининг ҳозирги босқичида ХКП Марказий Комитетининг неча ўнлаб аъзолари ва вилоят ҳамда шаҳарлардаги партия комитетларининг раҳбар ходимлари Хитой пропагандасига хос тарзда танқид қилиниб, сўнгра эса партия сафлари улардан тозаланмоқда. Ун уч вилоятда партия комитетларининг биринчи ёки иккинчи секретарлари ўзгартирилди.

Мао Цзэ-дун даврида «тўртлар гуруҳи» партия ва давлатда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган эди. Ҳозирги кунда ҳам Хитойда ўша вақтда бўлганидек жисмоний жазолаш кенг тус олди.

Мамлакатда яна оммавий суд қилиш бошланди. Цзянси ҳарбий округининг қўмондони Синь Цзюнь-цзе Чаншада ўтказилган митингда сўзлаган нутқида одамларни узоқ муддат билан турмаларга қамаш билан чекланмай, уларни қатл қилаётганликларини ҳам тасдиқлади. «Ғаразли ниятдаги шахсларни айрим ҳолларда,— деди у, —қатл этиш керак».

Хитой матбуоти ва радиосининг хабарлари тозалаш иши силлиқ ўтмаётганлигини кўрсатиб турибди. «Тўртларнинг тарафдорлари» қаршилик кўрсатишни давом эттирмоқдалар, Маҳаллий радиостанцияларнинг бирида яқинда эшитгирилган репортаж кураш кескин тус олганлигини исбот қилади. Шу репортаждан маълум бўлишича, «оммавий мунозаралар вақтида тўда-тўда шахслар партия комитетларининг биноларига бостириб кириб, ҳокимиятни қўлга олишга уринганлар».

Тозалаш иши Хитойнинг аввалги раҳбарлари каби ҳозирги раҳбарларига ҳам ҳокимият учун кураш воситаси, ўз мавкеини мустаҳкамлаш воситасигина бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитой жамияти яна ларзага келди. Хитой халқи нормал ҳаётга қайтишни умид қилган эди. «Тўртлар гуруҳи»нинг бартараф қилиниши шундай умидларни вужудга келтирган эди. Аммо авж олиб кетган оммавий тозалаш бундай умидларни чиппакка чиқарди.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАССнинг сиёсий обзорчиси.

ИЛМ-ФАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

КУЛДАН... БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛИ

Тошкент политехника институтининг олимлари Ангрен ГРЭСи чиқариб ташлайдиган тошкўмир кулини ишлатиш усулини топдилар. Улар шу чиқитдан бетон ва бинокорлик қоришмаси тайёрлашда актив минерал қўшимча сифатида фойдаланишни таклиф қилдилар.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, кул ўзининг химиявий таркиби туфайли эркин охак ва ишқорлар билан реакцияга кириша олади, уларни сувда эриш қийин бўлган бирикмаларга айлантиради. Ишлаб чиқариш синовлари кулдан ясалган бинокорлик аралашмалари қотиб пишиклигини кўрсатди. Чиқитдан фойдаланиш натижасида бир куб метр бетон тайёрлаш 80 тийин арзонлашади. (ЎзТАГ).

ДАҚИҚАЛАР ОРТИДАГИ ҲАЁТ

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

РЕПОРТАЖ

Бош врач хонасига кириб келди. Деворда шифохонанинг ўн саккизта бўлими номма-ном қайд этилган мўъжазгина макет осғлиқ. Пульт ёқилди. Бир зумда макетдаги номерланган митти чироқчалар олис юлдузлардек чарақлаб кетди. Қулаҳмад Тошпўлатович икки-уч минут ичида касалхонада бўш ўринлар сони нечта, беморларнинг қанчаси оғир аҳволда — хабардор бўлди. Тошкентдаги 1- шаҳар клиник шифохонасида навбатдаги иш куни ана шундай бошланди.

— Агар бўлимлардан бирма-бир маълумот оладиган бўлсак, ярим кунимиз фақат рўйхатбозлик билан ўтарди,— дейди касалхона бош врачи Қулаҳмад Ризаев. — Фан-техника ютуқлари медицинага ҳам кириб келди-ю, юмушларимиз анча енгиллашди. Минутлар қадрига етиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўрток Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларининг XVI съездида айтган гаплари ҳаммамизнинг ёдимизда. Дарҳақиқат, шифокорлар даҳиқалар ортида ҳаёт бор, деб бежиз айтишмайди.

Шу пайт суҳбатимиз бўлинди. Телефон жиринглаб қолди:

— Қулаҳмад Тошпўлатович, салом, бу мен, — аёл кишининг сезинч тўла янгроқ овози эшитилди. — Беморнинг аҳволида ўзгариш юз берди. У кўзларини очди!

Бош врачнинг жиддий юзларида илиқ табассум пайдо бўлди:

— Қандай ажойиб! — дедида, оғир ҳўрсиниб қўйди, — Аза Семеновна, катта раҳмат сизларга!

Қулаҳмад Тошпўлатович трубкани қўяр экан, воқеа тафсилотини сўзлаб берди. Бир кун аввал «Тез ёрдам» машинаси заҳарланган беморни шифохонанинг реанимация марказига келтирган эди. Нафаси бўғзига тиқилган беморнинг аҳволи оғирлашиб қолганди. Орадан кўп ўтмасдан у хушини йўқотди. Нафас олиши ва юрак уриши эшитилмасди. Клиник ўлим бошланганди. Профессор Аза Семеновна Зарзар туни билан бемор бошида туриб, ўлимни текинтириш чораларини қидирди, муолижанинг махсус усулларини қўлланиб, ниҳоят гуп-гуп уришдан тўхтаган юракни ишга солиб юборди. Яна бир бемор ҳаётга қайтди.

— Айтмаймми, даҳиқалар ортида ҳаёт бор деб!.. Бош врач Қ. Ризаев жилмайиб кўйди.

Шифохонада иш куни ажойиб хушхабар билан бошланди. Ҳозир биз тилга олган қирқ беш ўринли реанимация маркази Тошкент шаҳри ва областидан келтирилган клиник ўлимга тушган, заҳарланган ва оғирлашиб қолган беморларни қабул қилади. Марказ шаҳар реанимация ва касалхоналар анестезиология хизматини ўтайди.

Фақат бу ердагина шундайми? Йўқ! Одамнинг юраги ва жигари каби буйраги ҳам ўта заҳматкаш органлардан бири. Муштдек бир жуфт буйрагимиз бир кеча-кундузда икки минг литрга яқин қонни ўзидан ўтказиб, заҳарли моддаларни ушлаб қолади. Бошқача айтганда, киши танасини шаффофлайди. Мабодо, буйрак бир меъёрда ишламаса-чи? Буйракни қопқондек сиқиб турган тошларни бир тасаввур қилиб кўринг-а?! Буйрак ва қовуқ касалликларига малҳам қўйишда медицина фанлари доктори, профессор Одил Муҳторов етакчи бўлган урология кафедраси ишлари тахсинга сазовор. Машҳур уролог, академик Н. А. Лопаткин клиникасида бир неча йил малака ва тажриба орттирган Одил Муҳторов буйракнинг кучли йирингли шамоллаш касаллигини барвақт аниқлаш принципларини ишлаб чиқди ва бу хасталикни даволашнинг энг мақбул усулини кўрсатиб берди.

— Аксарият эркаклар эллик ёшдан ошгач простата аденамаси, яъни қовуқ безининг катталашиш касаллигига чалинадилар, — дейди профессор Одил Муҳторов. — Аввллари операция ярим соат давом этган бўлса, ҳозир уч минут қифоя. Операциянинг эртасигаёқ бемор бемалол туриб юриши мумкин.

Кафедра ходимлари простата бези касалликларини даволаш, буйрак атрофидаги ялигланишнинг келиб чиқиш сабабларини аниклаш устида катта изланиш ишлари олиб боряётирлар. Даволашнинг янги усулларидан бири — буйракни скенлашга (вена қон томирига радиоизотоп ёрдамида шифобахш модда юбориш) алоҳида эътибор берилаётган.

Профессор беморнинг касаллик тарихини кўздан кечириб чиқди. Сўнг унинг ўзи билан суҳбатлашди. Бемор бир неча йилдирки, юрак дардидан азоб чекиб келаётганидан, сира давоси топилмаётганидан шикоят қилди. Унинг кўзларидан оққан қалқа-қалқа ёш киприкларига маржон бўлди. «Оёкка туриб кетасиз, албатта», — деди профессор беморни юпатиб.

— Ростданми?!

— Ҳа, ростдан. Сиз бу ердан ўйнаб-кулиб чиқиб кетасиз.

Бир оғиз ширин сўз —дилга малҳам, дейдилар. Беморнинг заъфарон юзларида табассум балкиди, кўзларида умид учқунлари порлади. Академик А. Л. Мясников шогирди, кардиология ва функционал диагностика кафедраси мудири, профессор Манзура Ҳамидова ҳар гал шундай қилади. Беморга дори-дармон тайинлашдан аввал унинг кайфиятини кўтаради, далда беради ва дилига малҳам бўлади. Шундан кейингина клиник даволашга ўтади.

Шифохонада ўз соҳасининг етук билимдонлари хизмат қилишяпти, унинг доврўғига-доврўғ қўшиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда жон бозлик кўрсатишяпти. Истеъдодли олим, медицина фанлари доктори, профессор Абдуҳалил Ражабович Мансурова раҳбарлик қилаётган рентгенология ва медицина радиологияси кафедраси коллективи ҳам беморлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Юзлаб беморларни бронхит, астма касалликларидан халос этган, Урта Осиё ва Қозоғистонда биринчи бўлиб нафас сиқиш хасталигини хирургия йўли билан даволашни амалга оширган профессор Жавдат Саидович Каримов хисобланади. У раҳбарлик қилаётган хирургия бўлимига Болгиқбўйи ва Узоқ Шарқдан, Крим ва Уралдан — бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан: «Мени клиникангизга қабул қилишингизни сўрайман», — деган мазмундаги кўплаб мактублар тўхтовсиз келиб турибди. Жавдат Каримов деганда, одамлар нафас қисишдан сўниб бораётган беморни шифобахш тиғи билан ўлим чангалидан олиб қолаётган ҳақиқий халоскорни кўз олдиларига келтирадилар.

Шифохонада кулоқ-томоқ-бурун касалликлари ҳам замонавий усуллар ёрдамида даволанмоқда. Профессор Ғайрат Иброҳимов етакчилик қилаётган бўлим шифокорларини кўли енгил, қиммати баланд, саҳоватли посбонлар деб аташади. Бу ерда қўйган қизилўнгач замонавий усул ёрдамида малҳам гопмокда.

Қалби пок, садоқатли шифокорлар!.. Улар кимлар дейсизми? Врачлардан Л. В. Мартемьянова, Р. Муҳторова, К. Н. Шабарова, Ж. Отажонова, ҳамширалардан М. Ғафурова, И. Абдуллаева, О. Шамилева, М. Азизова, санитарлардан Е. Пўлатова, Г. Ҳайруддинова, Л. Миронова, М. Рахимова, Е. Пудова ва бошқалар номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ана шундай ажойиб коллективга эга бўлган 1-клиника шифохонаси Совет ҳокимияти йилларида ўсиб, камол топди:

— Инқилобга қадар Тошкент шаҳрида, айниқса, унинг Эски шаҳар территориясида аҳоли вабо ва ўлатдан, сил ва қорин тифидан, ичбуруғи ва қорачечакдан азоб чекиб келгани тарихдан маълум, — деди бош врач Қулаҳмад Ризаев. — Канчадан-канча қиши бевақт дунёдан кўз юмган. Ўтмишдан келтирилган бу аянчли манзарани тасаввур этиш нақадар оғир бўлса, гуллабяшнаётган бугунги Тошкентнинг, жумладан, бизнинг шифохонанинг қиёфасини кўриб, завқланиш шунчалар гаштли. Буларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрь шарофати туфайли.

Клиника шифохонаси бу йил 150 ўринли хирургия, келаси йил уч юз ўринли кардиология корпусига эга бўлади. Ўта операция хонаси қурилади. Бу жараённи малака оширишга келган врачлар ойнаванд гумбаз устидан қузатиш, практика олиб бораётган студентлар эса ўқитиш хоналаридаги «зангори экран» орқали кўриш имкониятига эга бўладилар.

Кечқурун. Бош врач пультни ёқади: бўш ўринлар тўрта. Оғир беморларчи? Эрталабки рўйхатга ўзгартиш киритиш мумкин.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
М. МУҲСИМОВ.

Суратда: касалхонанинг бир группа шифокорлари. Ўртада бош врач Қ. Ризаев.

А. Тўраев фотоси.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

«БУРЕВЕСТНИК» — ОЛДИНДА

Марказий «Пахтакор» стадионида республика ёшлари II спорт ўйинлари енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақалар билан ниҳоясига етказилди. Ўзбекистонлик ёшлар узоқ давом этган мусобақада Бутуниттифоқ баҳсларига йўлланма олиш учун спортнинг 27 тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Республика пойтахтининг энг йирик спорт масканида ўтказилган сўнгги ҳал қилувчи баҳслар ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйготди. Енгил атлетикачилар мусобақасида команда ҳисобида студент-ёшлар спорт жамияти — «Буревестник» вакиллари пешқадамлик қилишди. Мусобақада бир қанча рекордлар ўрнатилди. Жумладан, шахсий ҳисобда С. Жоголев («Меҳнат») диск улоқтиришда 58 метру 18 сантиметрли натижа билан республика рекордини ўрнатди. Югурувчи Н. Данилова эса, 800 метрли масофада республика рекордини такрорлади.

ВОЛЕЙБОЛ:

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА

Совет волейболчилари терма командаси Японияда тўрт ўртоқлик учрашуви ўтказди. Олимпиада чемпионлари — япон спортчилари билан ўтказилган бу ўйинларда умумий ҳисоб 2:2 бўлди. Волейболчилар баҳсида Тошкентнинг «Автомобилист» командасидан Е. Петрунина ҳам иштирок этди.

ФУТБОЛ:

ПЕЛЕ ЎРНИГА...

Голландиялик машҳур футболчи И. Круйфф келаси йилдан Нью-Йоркнинг «Космос» командасида ўйнашни ихтиёр этди. Маълумки, «Космос»да жаҳонга танилган Пеле, Беккенбауэр сингари маҳоратли ўйинчилар тўп сурмоқдалар. «Космос» раҳбарлари эса, Круйфф учун бир вақтлар Беккенбауэрга берилганидан ҳам знёд пул ваъда қилмоқдалар. Круйфф «Космос»да келаси йилдан футболни тарк этишга ҳозирлик кўраётган Пеле ўрнини эгаллаши кўзда тутиляпти.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

4-10 июль

4 ИЮЛЬ
ДУШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Мультфильмлар. 11.00 — Ҳайвонот оламида. 12.00 — Бизнинг биография. 1952 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.25 — М. Шолохов. «Дон ҳикоялари». 16.10 — Концерт. 16.55 — «Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари». (бадиий фильм, 1 ва 2-серия). 18.00 — Онамларнинг мактаби. 18.30 — Ўқувчилар совет шоирларнинг шеърларини ўқийдилар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Фильм-концерт. 19.40 — Владимир области меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.25 — «Бемаъни тун ёки Фигаронинг уйланиши» (фильм-спектакль). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 22.45 — Фильм-концерт. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Старшеклассник». 19.25 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Камолот сари». 21.00 — Ахборот. 21.20 — Адабий театр. «Мот қилди». 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги. 22.45 — Октябрнинг киносолномаси. «Оқ дарё устида момақалдироқ» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.35 — «Болалик, балоғат ёши, ёшлик» (телеспектакль, 1-қисм). 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Телефильм. 21.40 — Химия.

5 ИЮЛЬ
СЕШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Бемаъни кун ёки Фигаронинг уйланиши» (фильм-спектакль) 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Биз табиат билан танишамиз. 16.15 — Б. Брехт ижоди. 17.15 — Москваликларнинг ишчи кафолоти. 17.45 — Китоб. Давр. Китобхон. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Инсон ва қонун. 19.45 — Жазоир Халқ Демократик Республикаси мустақил деб эълон қилинганининг 15 йиллигига. 20.45 — «Классик симфония». 21.00 — Бизнинг биография. 1953 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол «Динамо» (Тб) — «Торпедо» 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — «Болаликнинг сўнгги ёзи» (бадиий фильм, 1-серия). 13.05 — «Оқ дарё устида момақалдироқ» (бадиий фильм). 18.25 — Мультфильм. 18.45 — Ёш куч (спорт программаси). 19.15 — «Прогресс». 19.45 — Ахборот. 20.00 — Телевизион фильм-балет. 20.15 — Телевизион новеллалар театри. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Дилшод» халқ ашула ва рақс ансамбли солистлари М. Сотволдиева, Ю. Тиллабоев, М. Орипов концерти. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 22.45 — Кино оламида.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — «Болалик, балоғат ёши, ёшлик» (фильм-спектакль, 2-қисм). 20.25 — Реклама. 20.40 Янгиликлар. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — Математика.

6 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 11.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Н. А. Некрасов ва рус халқ қўшиғи. 16.25 — Биз табиат билан танишамиз. 16.50 — «Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари» (бадиий фильм, 3 ва 4-серия). 17.45 — «Ихтирочи». 18.15 — Горичилар қаердасиз! 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Спортлото. 19.25 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.35 — Концерт. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига «Совет Қирғизистони». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Андронников сўзи». «Тагиль топилмаси». 23.35 — Ҳужжатли фильм. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун фильм. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — «Адмирал Нахимов» (бадиий фильм). 18.30 — Пионерлар уйида. 19.00 — Қўёшли ўлкам маршрутлари. 19.30 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Куйла дилкаш дуторим. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Колхозчи» (2-тайм). 21.15 — Ахборот. 21.35 — «Қизлар рақсга тушади». 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Партком секретари» (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — «Болалик, балоғат ёши, ёшлик (телеспектакль, 3-қисм). 20.45 — Янгиликлар. 21.05 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. «Мангу барҳаёт». 21.35 — Химия.

7 ИЮЛЬ
ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Мультфильмлар. 10.50 — Болалар учун кинопрограмма. 11.45 — Бизнинг биография. 1953 йил 15.00 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.00 — Жек Лондон ватанида. 16.30 — Концерт. 17.15 — Марказий болалар театрида. 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 «Орленок» 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Фан оламида. 19.55 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.25 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.40 — «306-иш» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 «Георг Отс ва опера». 23.35 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-концерт. 11.40 «Болаликнинг сўнгги ёзи» (бадиий фильм, 2-серия). 12.45 — «Светофор» 18.30 — Физкультура ва спорт. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Зангори экран» почтаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Ижод гулшани». 21.00 — Ахборот. 21.20 «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 22.00 — «Вақт» 22.30 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.45 — «Партком секретари» (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.35 — «Ҳукм қатъий (бадиий фильм, 1-серия). 20.45 — Янгиликлар. 21.05 — «Кругозор». 21.35 — Математика.

8 ИЮЛЬ
ЖУМА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «306-иш» (бадиий фильм). 11.50 — Балетдан сюита. 12.05 — Оталар ва болалар туркумидан «Макаровлар» (ҳужжатли фильм). 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.25 — Рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари. 15.55 — В. Лацис ижоди. 16.40 — «Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари». (бадиий фильм, 5, 6-, 7-серия). 18.00 — Москва ва москваликлар. 18.30 — «Жилолар». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ нотолар. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Концерт. 21.00 — Бизнинг биография. 1954 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Арт-лото». 23.20 — Катталар учун мультфильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — «Болаликнинг сўнгги ёзи» (бадиий фильм, 3-серия). 13.25 — Телевизион фильм-балет. 13.35 — До-ре-ми-фа-соль. 18.25 — Болалар учун фильм. 18.45 — «Ёшлик» 19.15 — XX асрнинг асосий воқеаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Қизлар давраси (такрорий). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ноз-неъмат бўйдқори. 22.45 — «Ё остидан, ё устидан». (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.50 — «Ҳукм қатъий» (бадиий фильм, 2-серия). 20.45 — Янгиликлар. 21.05 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 21.35 — Физика.

9 ИЮЛЬ
ШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Моҳир қўллар. 11.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар 12.30 — Ҳужжатли фильмлар. 13.00 — Музикали абонемент. 13.25 — «Москвичка». 14.35 — «Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.50 — «Вальканинг елканлари» (бадиий фильм). 16.00 — «Здоровье». 16.30 — Мультфильмлар. 17.00 — Советлар ва ҳаёт. 17.30 — Концерт. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.30 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Футбол. Чорак финал. 22.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Телеминнатюралар. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — Концерт. 11.55 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари. Ҳ. Ғулом. 12.25 — «Пўлат қандай тобланди» (бадиий фильм, 1-серия). 13.35 — Кино кўзгудаги ҳаёт. 14.20 — Билиб қўйган яхши (такрорий). 17.35 — Мультфильмлар. 18.25 — Санъат ғунчалари. 18.35 — «Ёшлик». 19.05 — Армуғон. 19.35 — Ахборот. 19.50 — «Биз 30 ёшдамиз». 20.40 — Ахборот. 21.00 — Куйланг ёш хонандалар. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Амударё шоликорлари». 22.15 — «Ҳаётий воқеа» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

12.30 — **Душанба кўрсатувлари.**

10 ИЮЛЬ
ЯКШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Заряднага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Орлёнок». 13.00 — Музикали киноска. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — «Солдат қиссаси» (бадиий фильм). 16.10 — Бугун — балиқчилар куни. 16.40 — Музикали программа. 17.25 — Халқаро панорама. 18.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — 1977 йил қўшиқлари. 20.15 — Шағал йўлларда мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. 20.45 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Футбол. Чорак финал. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг ёш хонандалар. 10.50 Ҳужжатли фильм. 11.00 — Қувноқ стартлар.. 12.00 — Қўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 12.40 — Октябрнинг киносолномаси. «Пўлат қандай тобланди» (бадиий фильм, 2-серия). 13.45 — Реклама. 17.35 — «Искорка». 18.05 — Бугун — балиқчилар куни. 18.25 — Концерт. 18.50 — СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Телеминнатюралар. (такрорий). 20.10 — Ахборот. 20.30 — Наҳм ва наво. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Пахта ва сув. 22.15 — «Йўқолган гувоҳ» (бадиий фильм).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — **Фрунзе кўрсатувлари.**

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/VII да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — **Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг гастролари.** 2/VII да **Ўтган кунлар.**

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Картуш; Иккинчи ҳаёт** (катта зал), **Аёл ва иблис** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Картуш — «ЧАЙКА» (10.45, 12.30, 14.14, 16.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Халқ романи — «ҚОЗОГИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Қадрсиз киши — «МИР», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30).

Мардлик учун юз грамм — «ИСКРА» (20.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Зорро — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00).

Қадрсиз киши — «ХИВА» (21, 22.30).

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилар состави ва проблемали лабораторияларнинг илмий ходимлари ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: ЭВМни математик таъминлаш, совет ҳуқуқи;

кафедра доцентлари; табиёт факультетларида снёсий иқтисод;

кафедра катта ўқитувчилари: гуманитар факультетларда КПСС тарихи, янги ва энг янги тарих, спорт, рус адабиёти, гуманитар факультетларда снёсий иқтисод, амалий математика ва механика факультетида умумий математика, ҳисоблаш математикаси, психология кафедраси (медицина профилидаги фанлар бўйича);

кафедра ассистентлари ва ўқитувчилари: гуманитар факультетларда фалсафа, физик география, илмий коммунизм, тадқиқотларнинг геофизик методлари,

чўнма формациялар ва чўнма маъданлар проблемали лабораториясининг катта илмий ходими.

фитогельминтология проблемали лабораториясининг кичик илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ — 28 ИЮЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, «Д», 107-хона, кадрлар бўлими.

БУХОРО ПЛАН-ИКТИСОД ТЕХНИКУМИ

1977—1978 ўқув йили учун КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САНОАТДА БУҲГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ГОВАРШУНОСЛИК ВА САНОАТ МОЛЛАРИ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Ўқиш муддати: 8-синфни битирганлар учун — 2 ЙИЛУ 10 ОЙ. 10-синфни битирганлар учун — 1 ЙИЛУ 10 ОЙ.

Техникумга 30 ешгача бўлган ўрта маълумотлилар 2-курсга, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 1-курсга қабул қиланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳони топширадилар: саноатда бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича ўрта маълумотга эга бўлганлар МАТЕМАТИКА (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ** (ёзма), тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар: **МАТЕМАТИКА** (оғзаки), **ОНА ТИЛИ** (диктант).

Говаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил қилиш мутахассислиги бўйича — ўрта маълумотга эга бўлганлар: ХИМИЯ (оғзаки), **ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ** (ёзма).

Ўқишга кирувчилар ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ўрта ёки тўлиқсиз ўрта мактабни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асли, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмда 4 та расм (бош кийимсиз), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (2 йил иш стажиги эга бўлганлар учун).

ТЕХНИКУМГА КИРИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Техникум адреси: Бухоро шаҳри, Ленин кўчаси, 282-уй (1, 3, 4, 10-автобусларнинг «Винзавод» бекати), Телефонлар, 3-55-12, 3-53-12.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг коллективи илмий ходим М. Муҳиддиновга хотини

Мақсудахон ҚАҲҲОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — Буратино кўргазмаси. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — «Тонгги почта». 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар 12.35 — Табиат ва инсон. 13.05 — Бугун — халқаро кооперация куни. 13.15 — Музикали программа. 14.00 — Адабий сўҳбатлар. 14.55 — Мультфильм. 15.05 — Спорт кўрсатувлари. 15.15 — «Сехрли орол» (бадиий фильм). 16.20 — Музикали абонемент. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Здоровье. 17.40 — Балет артистларининг концерти. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳайвонот оламида. 20.15 — «Жаноб Ҳечким» (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР — АҚШ. 00.30 —Эстрада оҳангларн. Кўрсатувдан кейин янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Доира рақсга чорлайди. 11.00 — Мультфильм. 11.20 — Ўзбек совет шеъриятининг телевизион антологияси. 11.40 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Бахтим баҳори (телетеатр, 1-қисм). 13.10 — «Лаҳги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 13.50 — Дўстлик экрани 17.35 — Мультфильм. 17.55 — «Юлдузча» 18.25 — СССР Конституцияси лойиҳаси сатрларида. 18.55 — «Бугун — халқаро кооперация куни». 19.15 — Ахборот. 19.30 — Футбол. «Помир» — «Пахтакор» 21.15 — Ахборот. 21.30 — Куйланг, ёш хонандалар. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ғалла ризқ-рўзимиз. 22.45 — «Дипломли қаллоб» (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.40 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Янгра, созим». Концерт. 9.30 — Концерт. 11.15 — «Дуғоналар». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 12.50 — Халқаро кооперация куни. 13.30 — Музикали программа. 14.00 — Тошкентлик ташаббускор мактаб ўқувчилари изидан. 15.45 — Партия ходими минбари. 16.10 — Қўшиқчи шоирлар — радио меҳмони. 17.30 — Ўйғур куйлари. 18.10 — Чўлқуварлар учун концерт. 18.10 — Спорт эшиттириши. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Музикали глобус. 20.30 — Футбол. «